

Лойиха

ОЎМТВнинг 2017 йил ___
___ - сонли бўйруғига ___ - илова

**Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш Тартиби (кейинги ўринларда “Тартиб” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон, “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб асосида ишлаб чиқилган фанлар бўйича ўқув дастурлари (кейинги ўринларда “фан дастури” деб юритилади) республика олий таълим муассасалари учун меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланиб, фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштиришда намунавий фан дастурлари сифатида қўлланилади ҳамда тегишли фан бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ёки бошқа сабабларга кўра давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари қайта тасдиқланганда ҳамда таянч ёки турдош олий таълим муассасалари томонидан киритилган таклифлар асосида фан дастурлари қайта ишлаб чиқилади ва тасдикка киритилади.

II. Фан дастурининг мақсади ва вазифаси

4. **Фан дастурининг асосий мақсади** – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрнинг билими, қўникума ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян

фан томонидан меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган компетенциялар, билим, кўникма ва малакалар мажмуини белгилаш, фан мазмuni ва таркибий қисмларини тартибга солиш.

5. Фан дастурининг асосий вазифалари:

- фанга оид ўқув материаллар мазмуни ва тузилмасини мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, машғулотлар мавзуларининг мантиқий кетма-кетлигини ҳамда бошқа фанлар билан мазмуний-мантиқий боғлиқлигини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуклизлигини, шунингдек, фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини таъминлаш;
- фанга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор ҳорижий тажрибаларни кенг ёритиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда фан мавзуларини шакллантириш;
- таълим шакли ва ўқув фанга ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш;
- фанни ўзлаштириш, талабаларда фанга оид компетенцияларни, касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услубий шартлар, ўқув адабиётлар ва дидактик материалларни белгилаш;
- баҳолаш воситалари ёрдамида талабалар билимини назорат қилиш шаклларини белгилаш.

6. Фан дастури унинг асосий мақсади ва вазифаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилиши талаб этилади.

III. Фан дастурларининг мазмуни ва таркиби

7. Фан дастури таълим жараёнининг муҳим меъёрий-услубий хужжати бўлиб, унда ўқув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари шаклида мантиқий кетма-кетликлиқда жорий этилиши, фанни ўқитишда зарур ҳолларда курс лойиҳаси, курс иши, мустақил иш, чизма-ҳисоб, ижодий, лаборатория ва бошқа ишлар уларга ажратилган вақт меъёrlарига мослигини таъминлаган ҳолда қўлланилиши кўзда тутилади.

8. Фан дастури қуйидаги **таркибий қисмлардан** иборатdir:

- фан дастурининг титул вараги ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;
- ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастуридаги ўрни;
- ўқув фанининг мақсади ва вазифаси;
- асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари);

– амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар;

- мустақил таълим ва мустақил ишлар;
- ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари;
- асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.

Фан дастурининг мисоли 1-иловада келтирилган.

9. Фан дастурининг **титул варағида** вазирлик номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик)ларнинг шифри ва номлари, харакатдаги ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, рўйхатга олинган ва тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади.

10. Фан дастури **титул варағининг сиртки тарафига** уни тасдиқлаган вазирлик буйруғи, маъқуллаган Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг баёни сони ва саналари, фан дастурини ишлаб чиқган олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, фан дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баёнининг сони ва санаси келтирилади.

11. **Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастуридаги ўрни.** Тегишли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланишида ўқув фанининг долзарблиги ва аҳамияти, касбий фаолиятдаги ўрни ва ишлатилиши, мутахассис учун муҳимлиги аниқ ва лўнда ёритилади.

Фан ўқув режанинг қайси блокига тааллуқлилиги, у неchanчи курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқлиги, уни ўқитиш учун қайси фанлар назарий замин бўлиб хизмат қилиши ҳамда фаннинг ўзи қайси фанлар учун назарий (илмий) замин бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади. Шунингдек, фанни ўзлаштириш учун талаба қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши ҳамда ўқув фани тайёрлов йўналишининг бошқа қисмлари билан мантиқий ва мазмуний боғлиқлиги қисқа баён қилинади. Ушбу қисм ҳажми 120 сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

12. **Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси.** Ўқув фанини ўқитишдан мақсад ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади. Мақсадлар ифодаланишида кутилаётган натижалар кўрсатилиши лозим, бунда “шакллантиради”, “замин яратади” каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган ўқув фанининг вазифалари ифодаланади. Булар фанни ўқитишда мақсадга эришиш усуслари

ва йўларини баён қилиши лозим, бунда “ўзлаштириш”, “кўникмаларга эга бўлиш” каби иборалар ишлатилиши ўринлидир.

Шунингдек, мазкур қисмда таълим йўналиши бўйича талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар доирасида ушбу фан бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар баён қилинади. Ушбу қисм ҳажми 120 та сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

13. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари). Ўқув фанининг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва қисқа ифодалар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича талабаларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар қамраб олиниши лозим. Фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидағи ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини қатъий назорат қилиш талаб этилади.

Шунингдек, мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилик талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, соҳага оид жаҳон тажрибалари, фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари қатъий эътиборга олиниши зарур. Асосий назарий қисм оддий матн шаклида қисқа ва аниқ тарзда, мавзу ва модуллар номлари қалинлаштирилган шрифт билан ажратилган кўринишда, ҳажми ўқув режада ажратилган вақт ҳажмига мос равища берилиши тавсия этилади.

14. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равища амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари келтирилади. Ушбу машғулотларни ўтказиш шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, зарур ҳолларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар вариантлари, “кейс”лар, фаол ва интерфаол усуслар ишлатилиши, лаборатрия ишларининг мазмуни, мақсади, ишлатиладиган жиҳозлар ва ашёлар рўйхати ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилиши лозим. Мазкур қисм ҳажми ўқув фанинг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқдир.

15. Мустақил таълим ва мустақил ишлар. Мустақил таълим – профессор-ўқитувчилар томонидан аудиторияда талабаларга етказиладиган мавзулардан ташқари ўқув фанининг мазмунига кирувчи ва алоқадор мавзулар, масалалар, ахборотларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган муҳим таълим жараёнидир. Талаба мустақил таълимининг асосий мақсади – аудитория ва аудиториядан ташқари вақтда ўқитувчининг раҳбарлиги ҳамда назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равища

бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатdir.

Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмuni, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади. Мустақил машғулотлар жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақл (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқалар) кўрсатилади.

Шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари туркумiga кирувчи курс лойиҳаси, курс иши, чизма-ҳисоб, ижодий ва бошқа ишларининг мавзу ва мазмuni, бажариш бўйича қисқа услубий кўрсатмалар келтирилади. Мазкур мустақил ишларнинг кенгайтирилган мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий кўрсатма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қисм ҳажми ўкув фанининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқдир.

16. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари. Ўқув режада ўқув фани бўйича ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти кўзда тутилган ҳолда фан дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг мақсади ва моҳияти, шакли ва мазмuni, амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар берилади. Бунда ўқув фанининг моҳияти, касбий таълим дастуридаги ўрни, тегишли йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашнинг ўзига ҳос тарафлари, тегишли йўналишга оид жаҳондаги илғор тажрибалар, замонавий техника ва технологиялар ҳисобга олиниши зарур.

Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш бўйича кенгайтирилган услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий кўлланма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қисм ҳажми ўқув фанининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқ бўлиб, 80 та сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

17. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, ҳимоя қилинган диссертациялар, монография ҳамда бошқа ўқув, илмий ва услубий маълумотлар манбаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

IV. Фан дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

18. Фан дастурлари бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилган ҳар бир фан бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб юритилади) белгилаган таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади.

19. Фан дастурларини ишлаб чиқиш учун таянч олий таълим муассасасининг етакчи профессор-ўқитувчилари таркибидан муаллифлар (муаллифлар групни) белгиланади. Муаллифлар групхига турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳам киритилиши мумкин. Муаллифлар групхлари тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, тегишли соҳанинг ишлаб чиқариш корхона, ташкилот ва муассасаларининг етук мутахассислари билан яқин ҳамкорлик асосида фан дастури лойиҳасини ишлаб чиқади.

20. Фан дастурларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва мазкур Тартибга мос ҳолда ишлаб чиқилишига тегишли таянч олий таълим муассасаси масъулдир.

21. Фан дастури ишлаб чиқилишида мамлакат иқтисодиёти реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнги ютуқларини ҳисобга олиш, таълим жараёнини оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, фанни талabalар томонидан самарали ўзлаштиришига хизмат қиласиган бошқа воситаларни кенг қўллаш, “оддийдан муракабга”, “хусусийдан умумийга” каби тамоилларга амал қилиш зарурдир.

22. Фан дастурларига ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлар, дидактик материаллар, ўқув ва илмий жиҳозлар, ашёлар ва бошқа моддий-техник воситалар тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

23. Фан дастурининг матни А-4 форматли стандарт варагларда, Times New Roman шрифтининг 14–ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида ҳошияланган ҳолатда бостириб чиқарилади. Бетларни рақамлаш пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

24. Фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Вазирлик топшириғига мувофиқ таянч олий таълим муассасаси томонидан фан дастурининг лойиҳаси тайёрланади;
- тайёрланган фан дастурининг лойиҳасига фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича турдош олий таълим

муассасалари, тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг тақризлари олинади;

- таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида фан дастурининг лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинади ва тасдиқлашга тавсия этилиши тўғрисида Кенгаш баёни расмийлаштирилади;

- фан дастурининг лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун таянч олий таълим муассасаси ректорининг хати билан Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига киритилади. Киритилаётган хужжатларга тақризлар, таянч олий таълим муассасаси Кенгашининг баёни илова қилинади;

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази таянч олий таълим муассасалари томонидан киритилган фан дастурларининг лойиҳаларини таълим соҳалари ва йўналишларига мувофиқ жамлаб Ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларга тақдим этади;

- Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар фан дастурларининг лойиҳаларини давлат таълим стандартларига, малака талабларига, ўқув режаларга, мазкур Тартиб талабларига мослиги ҳамда талабаларга мукаммал замонавий билим, кўникма ва малакаларни беришга хизмат қилиши юзасидан белгиланган тартибда батафсил экспертизадан ўтказади ва ҳар бири бўйича асосланган ҳулоса беради;

- Ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларнинг фан дастурлари лойиҳалари юзасидан берган ҳулосалари Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида муҳокама қилинади. Муҳокама натижасида ижобий деб топилган фан дастурлари Вазирлик томонидан тасдиқланишига тавсия берилади, салбий баҳолангандан фан дастурлари эса қайта ишлашга таянч олий таълим муассасаларига юборилади;

- Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси қарорига мувофиқ фан дастурларининг лойиҳалари Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади;

- тасдиқланган фан дастурлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Вазирликда (этalon сифатида), бир нусхаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади.

25. Тасдиқланган ва рўйхатга олинган фан дастурларининг электрон версиялари ёки кўчирма нусхалари тааллуқлиги бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан барча олий таълим муассасаларига етказилади.

26. Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар томонидан фан дастурлари лойихаларини экспертизадан ўтказиш ва муҳокама этиш тартиби Вазирлик хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

V. Фаннинг ишчи ўқув дастури

27. Таълим жараёнини бевосита жойларда мақсадли ташкил қилиш ва машғулотларни тизимли тартибга солиш мақсадида фан дастури асосида **фаннынг ишчи ўқув дастури** (кейинги ўринларда “ишчи фан дастури” деб юритилади) ишлаб чиқилади.

28. Ишчи фан дастурлари олий таълим муассасалари томонидан ҳар бир ўқув йили учун ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасасининг Кенгashi қарори билан тасдиқланади.

29. Ишчи фан дастури қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- фан дастурининг титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;
- ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар;
- маъруза машғулотлари;
- амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари;
- мустақил таълим ва мустақил ишлар;
- ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари;
- фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари;
- асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар, қўшимча адабиётлар ва бошқа ахборот манбаалари рўйхати.

Ишчи фан дастурининг мисоли 2-иловада келтирилган.

30. Ишчи фан дастурининг **титул варағида** вазирлик номи, олий таълим муассасаси номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли таълим соҳаси, таълим йўналиши (мутахассислик)ларининг шифри ва номлари, ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, тасдиқланган санаси ва белгилари (муҳр), фанга ажратилган умумий ҳамда семестрлар ва машғулотлар кесимида соатлар ҳажми кўрсатилади.

31. Ишчи фан дастури **титул варағининг сиртки тарафида** унга асос бўлган фан дастури тасдиқланган вазирлик буйруғи, уни тасдиқлаган Олий таълим муассасаси Кенгashi баёнининг сони ва санаси, ишчи фан дастурининг тузувчилари исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, такризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, олий таълим муассасасининг тегишли факультети декани ва кафедра мудири имзолари ўз аксини топиши лозим.

32. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар. Фан дастуридаги асосий масалалар, фанни ўқитиш билан боғлиқ услубий кўрсатмалар қисқа берилади.

33. Маъруза машғулотлари. Ўқув фанининг мавзулари фан дастурига қатъий амал қилган ҳолда мантиқий кетма-кетликда оддий жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охирги kataқда маърузаларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, ушбу рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт.

34. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари. Ўқув режа, фан дастури, ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равища амалий (семинар, коллоквиум, лаборатория ва бошқа) машғулотлар оддий жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охирги kataқда ушбу машғулотларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, мазкур рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт. Ишчи фан дастурининг ушбу қисмида фақат ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган машғулотлар тури қайд этилади.

Шунингдек, амалий машғулотларда ишлатиладиган жиҳозлар, ахборот ва педагогик технологиялар, муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар вариантлари, “кейс”лар, фаол ва интерфаол усуллар, лаборатрия ишларининг мақсади, мазмuni, ишлатиладиган лаборатория асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва ашёлар рўйхати, машғулотлар бойича талабаларнинг якуний ишлари, ҳисбот турлари ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар аниқ ёритилиши шарт.

35. Мустақил таълим ва мустақил ишлар. Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмuni, мустақил ўзлаштиришга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охирги kataқда ушбу машғулотларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, мазкур рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос тушиши шарт. Мустақил машғулотлар жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақл (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқалар) ва уни топшириш (ҳимоя қилиш) тартиби аниқ кўрсатилади.

Шунингдек, ўқув режа ва фан дастурига мувофиқ курс лойихаси, курс иши, чизма-ҳисоб, ижодий ва бошқа мустақил ишларининг мавзу ва мазмuni, бажариш бўйича зарур услубий кўрсатмалар, расмийлаштириш, топшириш шакли ва тартиби келтирилади.

36. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари. Ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ҳолда ишчи фан дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг мақсади ва вазифаси, шакли ва мазмuni, у қаерда ва қандай тартибда ўтилиши, амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан зарурий услубий кўрсатмалар берилади.

37. Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари. Ўқув фанининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб машғулотлар жараёни ва якунида талабалар билимини баҳолаш мезонлари ва назорат тартиби кўрсатилади. Баҳолаш мезонлари фан дастурида белгиланган ушбу фан бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида ишлаб чиқилади. Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибига талабалар томонилдан бажариладиган мустақил ишлар ва вазифалар баҳоланиши тартиби ҳам киритилиши лозим.

38. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Фан дастурига мувофиқ фойдаланилдиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати ва ахборот манбаалари берилади. Кўрсатилган ўқув адабиётлар олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлиши шарт.

39. Ишчи фан дастурининг матни фан дастури матнига қўйилган талабларга мувофиқ (Талабларнинг 23-банди) бостириб чиқарилади.

VI. Якуний қисм

40. Фан дастури ва ишчи фан дастурини расмийлаштириш, тарқатиш ва сақлаш учун А5 форматидаги “китобча” шаклида бостириб чиқариш лозим.

41. Фан дастури ва ишчи фан дастури илмий-услубий ва ўқув-услубий иш мақомига эга бўлиб, унинг тузувчилари муаллифлик ҳукуқига эга.

42. Тартибга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш Вазирликнинг буйруғи асосида амалга оширилади.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиши таълимни таъминлаштиришга тавсия берадиган

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиши

ва татбиқ этиш тартибига

1-илова

Фан дастурининг мисоли

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5230100 – 3.01

201__ йил “___” ____

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

201__ йил “___” ____

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	– Гуманитар
	200000	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
	300000	– Ишлаб чиқариш-техник соҳа
Таълим соҳаси:	110000	– Педагогика
	230000	– Иқтисод
	330000	– Компьютер технологиялари ва информатика
Таълим йўналишлари:	5111000	– Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт, 5330200-Информатика ва ахборот технологиялари (иктисодиёт))
	5230100	– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5230200	– Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5230300	– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш
	5230500	– Божхона иши (божхона назорати)
	5230600	– Молия
	5230700	– Банк иши
	5230800	– Солиқлар ва солиққа тортиш
	5230900	– Бухгалтерия ҳисоби ва аудит

Тошкент – 201__

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “___” ____даги ___ -сонли буйруғининг ___ -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__ йил “___” _____ даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|---------------|--|
| Ш.Ш. Шодмонов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор. |
| Б.Д. Хажиев | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент. |
| Р.А. Юсупов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент. |

Тақризчилар:

- | | |
|------------------|--|
| Т.Т. Жўраев | – ТМИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (<i>турдош OTM</i>); |
| Х.П. Абулқосимов | – ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (<i>турдош OTM</i>); |

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201__ йил “___” _____ даги “___” -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий қасбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан жамиятнинг иқтисодий негизи, унинг таркибий қисмлари, умумиқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг амал қилиш қонуниятлари, иқтисодий ўсиш каби масалаларни қамраб олади. Жамиятда мавжуд иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан куроллантиради.

“Иқтисодиёт назарияси” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1- ва 2-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Иқтисодиёт назарияси” фани гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар туркумига киради ва барча ноиқтисодий бакалавриат таълим йўналишларида ҳам ўқитилади. Мазкур фан бошқа иқтисодий фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожида аниқ йўналишдаги иқтисодий фанлар учун замин бўлиб хизат қиласди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- иқтисодий билим асослари, бозор иқтисодиёти субъектлари, иқтисодий категориялар тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- иқтисодиёт назарияси асосларини, иқтисодий қонунлар, тушунчалар, категорияларни, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- талаба иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модуль. Иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари

1-мавзу. “Иқтисодиёт назарияси” фанига кириш

Иқтисодиёт тушунчаси. Иқтисодий фаолиятнинг мазмуни. Такрор ишлаб чиқариш фазалари: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол. Эҳтиёжларнинг мазмуни ва уларнинг туркумланиши. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни. Иқтисодий ресурсларнинг мазмуни ва туркумланиши. Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик.

2-мавзу. Фаннинг предмети ва услублари

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети тўғрисида турлича ёндашувлар. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар. Моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар.

3-мавзу. Иқтисодий тизимлар ва доиравий айланишлар

Иқтисодий тизимлар. Буйруқбозлик тизими. Иқтисодий тизим тушунчаси. Иқтисодий тизим моделлари: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти. Бозор иқтисодиётининг босқичлари: эркин рақобатга асосланган ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти. Бозор тизими. Бозор тизими хусусиятлари. Хусусий мулк. Корхона ва ишлаб чиқариш танлови эркинлиги.

4-мавзу. Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа

Уй хўжалиги даромадлари. Даромад тақсимланиши. Шахсий даромадлар тақсимланиши. Уй хўжалиги истеъмолчи сифатида. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни. Мулк обьекти ва субъекти. Мулкчиликнинг иқтисодий ва хуқуқий жиҳатлари. Мулк шаклларининг таснифланиши.

5-мавзу. Товар ва пул муносабатларининг шаклланиши

Товар ва унинг хусусиятлари. Товар қийматининг миқдори. Индивидуал ва ижтимоий-зарурий меҳнат сарфлари. Ижтимоий-зарурий иш вақти. Меҳнатнинг тавсифи: аниқ меҳнат ва абстракт меҳнат. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг товар қиймати миқдорига таъсири.

2-Модуль. Бозор иқтисодиёти назарияси

6-мавзу. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида бозорнинг амал қилиши

Бозорнинг мазмуни ва белгилари. Бозор механизми. Бозорнинг обьектлари ва субъектлари. Бозорнинг вазифалари. Бозорнинг туркумланиши. Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий

айланиш диаграммаси. Бозор инфратузилмаси. Бозор инфратузилмаси муассасаларини гурухлаш йўналишлари. Бозор инфратузилмаси таркиби.

7-мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш – барча мамлакатларга хос умумий жараён. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг хусусиятлари. Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.

(Мазкур фан дастури мисол сифатида келтирилгани учун айрим қисмлари қисқартириб берилган)

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Иқтисодиёт назарияси” фанига кириш.
2. Фаннинг предмети ва услублари.
3. Иқтисодий тизимлар ва доиравий айланишлар.
4. Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа.
5. Товар ва пул муносабатларининг шаклланиши.
6. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида бозорнинг амал қилиши.
7. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари.
8. Талаб, таклиф ва бозор мувозанати.
9. Рақобат ва нархнинг шаклланиши.
10. Монополиянинг иқтисодий асослари.
11. Антимонопол қонунчилик ва монополияларни тартибга солиш.
12. Иш ҳақининг шаклланиши ва амал қилиши.
13. Истемолчи ҳулқи назарияси: нафлийк ва уни максималлаштириш қоидаси.
14. Бизнес ва тадбиркорликда технологик ва инновацион самарадорлик. Тадбиркорлик капитали.
15. Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда.
16. Аграр муносабатлар: ижара ҳаки ва рента.
17.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуслар ёрдамида ўтилиши, мос

равища муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси ривожланишининг асосий йўналишлари.
2. Иқтисодиёт назарияси ривожланишининг асосий босқичлари.
3. Меҳнат унумдорлиги – иқтисодий ўсиш омили сифатида.
4. Мулкчилик шакллари ўзгаришининг йўллари ва усуллари.
5. Ўзбекистонда миллий валютанинг муомалага киритилиши.
6. Бозор иқтисодиёти моделлари.
7. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги ва унинг Ўзбекистонга хос хусусиятлари.
8. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари.
9. Рақобат курашининг шакллари ва усуллари.
10. Монополиялар, уларнинг амал қилиш ва тартибга солиш хусусиятлари.
11. Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтириш йўллари.
12. Корхона фойдасининг тақсимланиши ва ишлатилиши.
13. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиктисодий кўрсаткичлари.
14. Ўзбекистонда миллий ҳисоблар тизими: ҳолати ва истиқболлари.
15. Истеъмолчи ҳулқи назариясининг асосий ҳолати.
16. Жамғарма ва унинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар.
17.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши. Курс иши фан мавзуларига тааллукли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун таҳминий мавзулар:

1. Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа.
2. Товар ва пул муносабатларининг шаклланиши.
3. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида бозорнинг амал қилиши.

4. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари.
5. Талаб, таклиф ва бозор мувозанати.
6. Рақобат ва нархнинг шаклланиши.
7. Монополиянинг иқтисодий асослари.
8. Антимонопол қонунчилик ва монополияларни тартибга солиш.
9. Иш ҳақининг шаклланиши ва амал қилиши.
10.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Mc Connell, Brue. Economics. 17th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
4. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2014. – 480 бет.
5. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 728 бет.

Қўшимча адабиётлар

6. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
8. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.Ф.Д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 с.
9. Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2012. – 671 с.
10. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.

11. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.

Интернет сайтлари

12. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
13. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
14. www.economist.com
15. www.worldeconomics.com
16. www.tradingeconomics.com
17. <http://grad-schools.usnews.rankingsandreviews.com / best-graduate-schools / top-humanities-schools/economics-rankings>
18. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике
19. www.stplan.ru - экономика и управление
20. www.catback.ru - научные статьи и учебные материалы по экономике

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбик этиш тартибига
2-илова

Ишчи фан дастурининг мисоли

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Тасдиқланди”

Ўқув ишлари бўйича проректор

Г.Зохидов

2017 йил “ ” июнь

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ФАНИНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Таълим соҳаси:	110000	– Педагогика
	230000	– Иқтисод
	330000	– Компьютер технологиялари ва информатика
Таълим йўналишлари:	5111000	– Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт, 5330200-Информатика ва ахборот технологиялари (иқтисодиёт))
	5230100	– Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5230200	– Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
	5230300	– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш

Умумий ўқув соати – 237 соат

Шу жумладан:

Маъруза – 80 соат (2 семестр - 40 соат; 3 семестр – 40 соат)

Амалий машғулотлар – 80 соат (2 семестр - 40 соат; 3 семестр – 40 соат)

Мустақил таълим соати – 77 соат (2 семестр - 40 соат; 3 семестр – 37 соат)

Тошкент – 2017 й.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 201__ йил “___” ____даги ___ -сонли буйруғи билан (буйруқнинг ___ -иловаси) тасдиқланган “Иқтисодиёт назарияси” фани дастури асосида тайёрланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил “___” _____ даги “___” -сонли баёни билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

- | | |
|---------------|--|
| Ш.Ш. Шодмонов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор. |
| Р.А. Юсупов | – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент. |

Тақризчилар:

- | | |
|------------------|---|
| Т.Т. Жўраев | – ТМИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (<i>турдоши OTM</i>); |
| Х.П. Абулқосимов | – ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор (<i>турдоши OTM</i>); |

ТДИУ Иқтисодиёт факультети декани:

2017 йил “___” _____ Н. Каримов
(имзо)

“Иқтисодиёт назарияси”

кафедраси мудири:

2017 йил “___” _____ Б. Хожиев
(имзо)

1. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар.

“Иқтисодиёт назарияси” фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- иқтисодий билим асослари, бозор иқтисодиёти субъектлари, иқтисодий категориялар тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- иқтисодиёт назарияси асосларини, иқтисодий қонунлар, тушунчалар, категорияларни, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- талаба иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

2. Маъруза машғулотлари

1- жадвал

№	Маърузалар мавзулари	Дарс соатлари хажми
2-семестр		
1	“Иқтисодиёт назарияси” фанига кириш	2
2	Фаннинг предмети ва услублари	2
3	Иқтисодий тизимлар ва доиравий айланишлар	4
4	Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа	2
5	2
3-семестр		
11	Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад	2
12	Ялпи талаб ва ялпи таклиф	2
13	Асосий макроиктисодий муносабатлар: истеъмол ва жамғарма	4
14	Молиявий инвестиция ва инвестицион сиёsat	2
15	2

Жами

80 соат

Маъруза машғулотлари мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда академ. гурухлар оқими учун ўтилади.

3. Амалий машғулотлар

2- жадвал

№	Амалий машғулотлар мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
2-семестр		
1	“Иқтисодиёт назарияси” фанига кириш	2
2	Фаннинг предмети ва услублари	2
3	Иқтисодий тизимлар ва доиравий айланишлар	4
4	Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа	2
5	2
3-семестр		
11	Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад	2
12	Ялпи талаб ва ялпи таклиф	2
13	Асосий макроиқтисодий муносабатлар: истеъмол ва жамғарма	4
14	Молиявий инвестиция ва инвестицион сиёsat	2
15	2
Жами		80 соат

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академ. гурухга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуслар ёрдамида ўтилади, “Кейс-стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни ўқитувчи томонидан белгиланади. Кургазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурулмалари ёрдамида узатилади.

5. Мустақил таълим

3-жадвал

№	Мустақил таълим мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
2-семестрда		
1	Хозирги замон иқтисодиёт назарияси ривожланишининг асосий йўналишлари	2

2	Иқтисодиёт назарияси ривожланишининг асосий босқичлари.	4
3	Мехнат унумдорлиги – иқтисодий ўсиш омили сифатида.	4
4	Мулкчилик шакллари ўзгаришининг йўллари ва усуллари.	2
5	4
3-семетрда		
14	Иш ҳақининг шаклланиши ва амал қилиши.	4
15	Истеъмолчи хулқи назарияси: нафлийлик ва уни максималлаштириш қоидаси.	4
16	Бизнес ва тадбиркорлиқда технологик ва инновацион самарадорлик. Тадбиркорлик капитали.	2
17	Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда.	2
18	4

Жами

77 соат

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрланади ва уни тақдимоти ташкил қилинади.

Фан бўйича курс иши. Курс иши фан мавзуларига тааллукли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли (вариантланган) топшириқ шаклида 3-семестрда берилади. Курс ишининг ҳажми 20 бетдан кам бўлмаслиги, А4 форматдаги варакларда ёзилиши ва тикилиб расмийлаштирилиши лозим. Курс ишини бажариш тартиби кафедранинг услугубий қўлланмасида келтирилган.

Курс иши учун мавзулар:

1. Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа.
2. Товар ва пул муносабатларининг шаклланиши.
3. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида бозорнинг амал қилиши.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари.

6. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар.
Баҳолаш мезонлари	<p>86-100 балл «аъло»</p> <ul style="list-style-type: none"> – фанга оид назарий ва услугубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; – фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш; – ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил муроҳада юритиш; – меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; – ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва

	<p>уларга тұла баҳо бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> – таҳлил натижалари асосида вазиятга түғри ва холисона баҳо бериш; – ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён түғрисида тасаввурға эга бўлиш; – ўрганилаётган жараёнларни анализик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. <p>71-85 балл «яхши»</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; – таҳлил натижаларини түғри акс эттира олиш; – ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён түғрисида тасаввурға эга бўлиш; – ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниклаш ва уларга тұла баҳо бериш; – ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. <p>55-70 балл «қониқарли»</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниклаш ва уларга тұла баҳо бериш; – ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён түғрисида тасаввурға эга бўлиш; – ўрганилаётган жараёнларни анализик жадваллар орқали таҳлил этиш. <p>0-54 балл «қониқарсиз»</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик; – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурға эга эмаслик; – ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўллай олмаслик. 																								
	<table border="1"> <thead> <tr> <th>Рейтинг баҳолаш турлари</th><th>Макс.балл</th><th>Ўтказиш вақти</th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td>Жорий назорат:</td><td>35</td><td></td></tr> <tr> <td>маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равиша конспект юритиши учун</td><td>6</td><td>Семестр давомида</td></tr> <tr> <td>Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши</td><td>9</td><td></td></tr> <tr> <td>Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга түғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарган-лиги учун</td><td>20</td><td></td></tr> <tr> <td>Оралиқ назорат</td><td>35</td><td></td></tr> <tr> <td>Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).</td><td>15</td><td>10 ҳафта</td></tr> <tr> <td>Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).</td><td>20</td><td>17-ҳафта</td></tr> </tbody> </table>	Рейтинг баҳолаш турлари	Макс.балл	Ўтказиш вақти	Жорий назорат:	35		маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равиша конспект юритиши учун	6	Семестр давомида	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	9		Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга түғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарган-лиги учун	20		Оралиқ назорат	35		Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10 ҳафта	Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	20	17-ҳафта
Рейтинг баҳолаш турлари	Макс.балл	Ўтказиш вақти																							
Жорий назорат:	35																								
маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равиша конспект юритиши учун	6	Семестр давомида																							
Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	9																								
Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга түғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарган-лиги учун	20																								
Оралиқ назорат	35																								
Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10 ҳафта																							
Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	20	17-ҳафта																							

	Иккинчи оралиқ назорат 2 босқичда амалға оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба якка тартибда топшириқлар олади ва ҳимоя қиласы. Иккінчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гурұхларға бўлинади (ҳар бир гурұхда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гурұхга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гурұхнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хуносаларнинг мантикий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гурұхдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади		
	Якуний назорат	30	20 ҳафта
	Ёзма иш	30	
	ЖАМИ	100	

7. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

2. Mc Connell, Brue. Economics. 17th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.

4. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2014. – 480 бет.
5. Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 728 бет.

Қўшимча адабиётлар

6. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
8. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 с.
9. Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2012. – 671 с.
10. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзgartиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
11. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.

Интернет сайтлари

12. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
13. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
14. www.economist.com
15. www.worldeconomics.com
16. www.tradingeconomics.com
17. <http://grad-schools.usnews.rankingsandreviews.com / best-graduate-schools / top-humanities-schools/economics-rankings>
18. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике
19. www.stplan.ru - экономика и управление
20. www.catback.ru - научные статьи и учебные материалы по экономике